

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



УШБУ СОНДА:

**МАҚСАДЛИ
ФОЯЛАР:
ИНСОНЛАР
МАНФААТИ
ЙЎЛИДА**

3

**ЗАРАЗЕН ЛИ
РАК ВООБЩЕ
И РАК
МОЛОЧНОЙ
ЖЕЛЕЗЫ В
ЧАСТНОСТИ?**

6

Халқаро симпозиум



МУҲИМИ: САЛОҲИЯТЛИ АВЛОДЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Фахр ва гурур билан айтишимиз жоизки, Президентимизнинг ҳар бир соҳа йўналишига катта эътибор ва ғамхўрлиги, айниқса, ёш авлоднинг таълим ва тарбия олишида, шунингдек, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишдек муҳим масалаларга қаратаётган эътиборлари боис, мазкур тизимларда ютуқли натижаларга эришилаётганлиги барчамизни қувонтиради.

Жорий йилнинг 17 февраль кунини пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли анжуманда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққийёт банки, Жаҳон банки, Ислоҳ тараққийёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 та дав-

латидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилган фаолиятлар ҳамда бу борада эришилаётган ютуқлар ва истиқболли режаларга алоҳида тўхталиб ўтганликлари иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Шунингдек, Осиё тараққийёт банки президенти Харухико Курода ҳам мазкур конференциядаги сўзлаган нутқида, аввало, мамлакатимиз иқтисодиёти муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб, таълим тизимидаги самарали натижаларни мамнунлик билан гапириб ўтди.

Таъкидлаш муҳимки, конфе-

ренция узлуксиз таълим ва ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Эътироф этиш жоизки, юртимизда фаол, интилувчан, иқтидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган – келажгимиз бўлган ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилган.

Анжуман доирасида ташриф буюрган меҳмонлар таълим масканларида бўлишиб, у ердаги шарт-шароитларга эътибор қаратиб, иқтидорли ёшларимиз билан суҳбатлашишди.

– Аввало, ана шундай нуфузли даражадаги халқаро анжуманда иштирок этаётганлигимдан хурсандман. Айниқса, юртингиздаги мактаб таълим тизимининг тубдан ўзгарганлиги, ўқитиш сифатининг яхшиланиши, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати рағбатлантириляётганлиги, шунингдек, ўқил-қизларнинг республика ва хал-

қаро миқёсдаги фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётганликлари таҳсинга лойиқдир. Жумладан, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт ўйинларининг йўлга қўйилиши ва унинг мазмун-моҳияти ёш авлоднинг интеллектуал салоҳият ва баркамол ўсишида нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Кўп мамлакатларда бўлиб, таълим тизимини ўрганган, таҳлил қилган мутахассис сифатида айтмоқчиманки, ёшларни спортга ошно этишнинг бундай усули деярли учрамайди, – дейди «UCSI» университети президенти Петр НГ (Малайзия).

– Ибн Сино, Бухорий, Термизий каби улуғ инсонларни вояга етказган заминга қадам қўйганимдан бениҳоя мамнун бўлдим. 2007 йил Ислоҳ конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислоҳ

ташкilotи – ISESCO тарафидан Тошкентнинг Ислоҳ маданияти пойтахти деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Муҳтарам Юртбошингиз ташаббуси билан ўтган ушбу конференциянинг мазмун-моҳияти ҳам бугунги ёш авлоднинг етук бобокалонларга муносиб бўлиб улғайишлари учун замин яратишга қаратилган. 1-республика тиббиёт коллежида бўлиб, у ердаги ўқувчилар билан суҳбатлашганимда, ўзбек ўғил-қизлари илмга чанқоқ, янгиликка интилувчан, ўзларига ишонувчан эканликларининг гувоҳи бўлдим, – дейди Маккадаги «Ум ал-Қуро» университети хирургия кафедраси доктори Муҳаммадамин ХОЛМУРОД МИРЗА.

Юксак савияда ўтган халқаро конференцияда қўриб ўтилган масалалар бўйича иштирокчилар томонидан якуний ҳужжат – резолюция қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

Тиббий чақирув

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ - МАРД ЎҒЛОНЛАР ҚЎЛИДА

Ҳар бир йигит учун Ватан ҳимоячиси деган ном шарафлидир. Албатта, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларнинг нафақат конституциявий, балки инсонийлик бурчи, буюк шараф ҳамда масъулиятдир. Дарҳақиқат, Ватанга бўлган сидқидил – меҳрмуҳаббатдан юксалади ва эъзозланади. Маълумки, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ўша мамлакат армияси, Куролли Кучлари, қолаверса, юртимизнинг алп қоматли йигитлари ҳимоя қилади. Шу боис, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, мамлакатимиз мудофааси давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди.



Мавзу бошида шуни таъкидламоқчиманки, истиқлол даврида Куролли Кучларимизни ташкил қилиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти ва қиёфаси тубдан ўзгарди, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Миллий армиямиз тўғрисида қанчалар фахрланиб гапирсақда, озлик қилади. Чунки, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг самарали натижаларини бериб, Ватанимиз сарҳадларида хизмат қилаётган, тинчлигимизни қўриқлаётган ҳарбийларимиз учун яратилган шароит ва имкониятлар бундан мустасно эмас. Шундай экан, ҳарбий хизматга ча-

ёндашув эртанги армиямиз янада мустаҳкамланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда бу борадаги фаолиятлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам изчиллик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервида бўшатиш тўғрисида"ги ПҚ-1684-сонли Қарори ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 январдаги мажлис

бий комиссияларини зарурий тиббий асбоб-ускуналар ва анжомлар билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилган бўлиб, бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли ва 2009 йил 9 апрелдаги 103-сонли қарорига асосан доимий тиббий комиссиялар дори-дармон, тиббий асбоб-ускуна ва тиббий жиҳозлар (ЭКГ, ФГДС, УТТ) билан тўлиқ таъминланган.


Бундан ташқари, ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга кўрсатилаётган тиббий кўрикни янада яхшилаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят ўсмирлар диспансерларида ультратовуш, рақамли флюороаппаратлари ва биохимик анализаторлар мавжуд бўлиб, уларда малакали кадрлар фаолият олиб бормоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, тиббий чақирув комиссия таркибига юқори малакали шифокорни тайинлаш ва уларни ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича билимларини доимо ошириб бориш, чақирилувчиларга кўрсатилаётган тиббий хизмат яхшиланишига ва Куролли Кучлар сафини соғлом ёшлар билан тўлдириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланиб, мазкур фаолият жиддий

нинг катта врачлари ва врач-мутахассислари эгаллаб турган лавозимларига лойиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган "Тинчлик ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Чақирув ва йигин пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган Дастур ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимиятлар, Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бош-



ти Низом талабларига мувофиқ тиббий чақирув комиссиялари олий ва биринчи тоифали мутахассислар билан таъминланган. Тиббий чақирув комиссия

қармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар йиғув пунктларида, туман ҳамда шаҳар бўлимларида



қирилаётган ҳар бир йигит қалбида она юрти тинчлигини сақлаш турар экан, аввало унинг саломатлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Уларнинг ҳарбий хизматга кетишларидан олдин жойлардаги тиббий чақирув комиссияларидан ўтказилиши одилона ҳал қилиниши ҳамда ҳолисона

баёнини таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жойлардаги тиббий чақирув комиссияларининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқарма бош-

ёндашувни талаб этади.

Чақирув бошлангунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда вилоят чақирув бўлимлари (шаҳар ва туман чақирув бўлимлари) масъул ходимлари, чақирув тиббий комиссиялари таркибига киритилган барча врач-мутахассислар билан биргаликда Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий-тиббий комиссияси аъзолари ҳамкорлигида навбатдаги чақирув мавсумида ёшларни тиббий гувоҳлантириш сифатини янада яхшилаш ва тиббий гувоҳлантиришга тааллуқли меъёрий ҳужжатлар талаблари ижросига бағишланган семинар-йиғилишлар олиб борилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида тиббий чақирув комиссия врачларининг иш сифатини ошириш, тиббий чақирув комиссиялари таркибига юқори малакали мутахассислар жалб қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан доимий тиббий чақирув комиссиялари-

таркибига жалб қилинадиган мутахассисларнинг касб малакаларини ошириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқларига асосан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида амалга оширилади. Тиббий гувоҳлантириш даврида пайдо бўладиган айрим муаммоларни ижобий ҳал қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари қошида муқобил тиббий комиссиялар ташкил этилган.

тиббий чақирув комиссияларида ишлаётган врачлар учун тўлиқ шароитлар яратилмоқда, бу ўз навбатида чақирилувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиш сифатини янада оширишга катта имкон бермоқда.

Чақирув мавсумида чақирув комиссиялари томонидан соғлиги талабга жавоб бермайдиган чақирилувчилар соғломлаштириш учун даволаш-профилактика муассасаларига бириктирилади ва даволаш-соғломлаштириш ишлари олиб борилади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, жамиятимиз тараққиёти, юртимиз фаровонлиги, сарҳадларимиз тинчлиги баркамол авлодлар қўлида экан, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама етук ва қомил инсонлар қилиб етказиш барчамизга катта масъулият юкляб, ҳарбий хизматга соғ-омон кетишларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзининг астойдил ва одилона меҳнати билан фаолиятлар кўламини кенг тарзда ташкиллаштириб, ишлар самарадорлигини янада оширади.

Ибрагим УРИНБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдам ташкил этиш маркази директори.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

МАҚСАДЛИ ҒОЯЛАР: ИНСОНЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг 21 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ахборот хизмати билан ҳамкорликда Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси фракциясининг "Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакат модернизацияси янги босқичида" мавзусида фракциянинг 2011 йил якунлари ва 2012 йил устувор йўналишларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.



Анжумани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Исмоил Саифназаров кириш сўзи билан очиб, жамиятимиз тараққиёти йўлида олиб борилаётган янгиланишлар, амалдаги самарали фаолиятларга алоҳида урғу қаратиб, партия фаолиятининг асосий ғояси халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, ижтимоий адолат таъминлашга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда янада фаол бўлиш, фуқароларни ушбу ғоялар атрофида бирлаштиришда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда шаффофлик, очиклик ва ҳисобдорлик таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди.

Айтиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг фракцияси 2010 йил 21 январь куни ташкил топган эди. Бир сўз билан айтганда, мазкур партия ўзининг янги ва муҳим ғоялари билан шу кунга қадар кўплаб мақсадли вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, анжуманда Президентимизнинг 2010 йил 12

ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотлари ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари "Адолат" СДП фракцияси фаолиятининг дастурий мақсадларида кенг намоён бўлаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг сайловолди дастурига мувофиқ, республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарорлаштиришни

таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш устувор вазифа деб белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан фракция аъзолари "Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси 3-бандидаги ҳуқуққа мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, 13 та қонун лойиҳасини киритдилар, ундан учала ўқишда 4 таси қабул қилинди, шу жумладан, 3 таси давлат раҳбари томонидан имзоланиб, матбуотда чоп этилди, ҳозирда 9 та қонун лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Бундан ташқари, фракция аъзолари 23 та қонун лойиҳаларига масъул бўлиб, уларнинг 15 таси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий йўналишлари, шу-

тарбияладиган таълим тизимига таянган ҳолда "масофадан ўқитиш тизимини шакллантириш"ни, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уни таркибий қайта қуриш, модернизация қи-

ллежларда қуёш энергияларидан усуналар ишга туширилганлигини, бу борада мазкур фаолиятларни янада давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Яна шуни айтиб ўтиш муҳим-



лиш, "миллий инновация тизими"ни шакллантириш мақсадида "Инновация ва инновацион фаолият" ҳақидаги қонунларни ишлаб чиқиш ва уни амалда рўйбга чиқаришга қаратиб қолади.

Шунингдек, анжуман давомида Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари Одилхўжа Парпиев, "Ўзбекэнерго" ДАК бошқарма бошлиғи Равшан Ортиқовлар сўзга чиқиб, кундалик ҳаётимизда зарур манбалардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳозирги давр талаби эканлигини, жойларда ва меҳрибонлик уйлари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда мактаб ва

ки, 2011-2014 йиллар давомида фракция Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида муҳокама қилиш учун 22 та қонун лойиҳасини тайёрлаш ва киритишни мўлжалламоқда. Улардан 3 та, хусусан, "Қайта тиклануви энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини химоя қилиш тўғрисида"ги, "Одамларнинг органларини трансплантация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳалари 2011 йил давомида тайёрланган бўлиб, ҳозирги вақтда улар юқори ва мазкур инстанциялар назоратида турибди. Тадбир давомида "Адолат" СДП фракцияси олиб борган фаолиятлар билан танишган иштирокчилар уларнинг амалдаги ишларига ўз фикрларини билдириб, бундай самарали ғоялар халқимиз манфаати ва турмуш фаровонлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлардан эканлигини эътироф этиб ўтишди.

Анжуман сўнгида фракция аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди ва улар билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан келишиб олинди.

Ибодат СОАТОВА.
2-3-саҳифалардаги суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Ёшлар нигоҳи

БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ

"Камолот" ЁИХ марказий кенгаши томонидан 1 декабрь "Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни" муносабати билан ҳамда 2011 йил 5 октябрдаги "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бўйича ёшлар ўртасида тарғиботни кучайтириш мақсадида, ўтган ва жорий йилнинг декабрь-январь ойларида "Биз ёшлар – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз, ОИВ/ОИТС инфекциясига йўқ деймиз!" ойлиги эълон қилинган эди.

Мазкур ойлик доирасида ҳаракатнинг марказий кенгаши қошидаги "Соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари" гуруҳи томонидан тарғибот ишлари ўтказилиб, тадбирлар Тошкент шаҳридаги академик лицей ва

касб-ҳунар коллежларидаги ўқувчи-ёшлар ўртасида олиб борилди ва айна кунда ҳам давом этиб келмоқда. Ойлик доирасида тарғибот ишлари тенгдош тенгдошга тамойили асосида, очик давра суҳбати тарзида

олиб борилаётганлиги сабабли ўқувчи-ёшлар эътиборига кириб бормоқда ва савол-жавобларга бойлиги, фикр алмашишнинг кенглиги билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Республика телевидение ва радио, Мирзо Улугбек транспорт, Тошкент политехника, Тошкент банк, Сергели саноят, Тошкент туризм ва бизнес, Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар, Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежларида тадбирлар баҳс-мунозара тарзида олиб борилди.

Ойлик доирасида 2 та гуруҳ фаолият олиб борди. Унда гуруҳ

вакиллари Тошкент фармацевтика ва Тошкент ирригация ва мелиорация институтлари талаба ёшларидан В. Тўхташева, З. Зуппарова, З. Хатамова, С. Муҳаммаджонова, Ю. Арслонова, Л. Қаршиева, Ш. Тўхташев, М. Маҳмудова, С. Ҳайдарова, М. Узоқова, А. Карабекова ва Тошкент шаҳар наркологиya диспансери мутахассислари Ҳ. Юсупхожаева, Ф. Искандаровалар "ОИВ/ОИТС инфекциясига йўқ деймиз!", "Алкоголь маҳсулотларининг инсон организмга таъсири", "Чекиш ва биз!", "Ги-

ёхвандлик бутун жаҳон муаммоси" мавзуларида давра суҳбати, видеоларлар, мавзуга оид сўровнома ва тарқатма материаллар билан иштирок этишди.

Шунингдек, Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежидан соғлом турмуш тарғиботчилари гуруҳи вакиллари иштирокида юқоридаги мавзуларда давра суҳбати олиб борилди. Унда коллежнинг Маънавият, маърифат бўлими бошлиғи З. Нағмаджанова, коллеж хотин-қизлар (Давоми 8-бетда).



Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

3. Тукиллатиш (перкуссия):

- юрак ўлчамлари;
- ўпка плевра бўшлиғига суюқлик йиғилиши;
- пневмоторакс;
- перикард бўшлиғига суюқлик йиғилиши;
- пневмониялар, ателектаз.

4. Эшитиб кўриш (аускультация):

- ўпкада қон димланиши;
- бронх-ўпка касалликлари;
- юрак нуқсонлари (пороклар).

5. Артериал қон босимини ўлчаш.

Беморлар юзида шиш пайдо бўлиш ҳолатларининг сабаблари: юрак етишмовчилиги, буйрак касалликлари, Квинке (аллергик) шиши, қалқонсимон без фаолиятининг пасайиши (микседема), буйрак усти беши касаллиги (Кушинг касаллиги).

Бемор лаблари, бурун учбурчаги кўкимтир бўлиши (цианоз) юрак порокларида ва оғир юрак етишмовчилигида, шунингдек, юрак касалликларидан ташқари, оғир кечувчи пневмониялар, сурункали астма-тик бронхитларда ҳам цианоз кузатилади. Беморнинг тишлари ва томоқ безларини кўздан кечириш унда сурункали инфекция ўчоқлари бор-йўқлигини аниқлаш имконини беради. Сурункали тонзиллит, синуситлар эса ревматизм, миокардит, эндокардит касалликларига сабаб бўлади.

Қалқонсимон без катталашуви кўп ҳолларда унинг фаолияти кучайиши (тиреотоксикоз) билан кечади. Бунда юрак тез уриши ва қон босимининг ошиши кузатилади. Беморда кўз косаси кенгайиши, иштаҳа пасайиши, озиб кетиш, қўл бармоқларида титраш мавжудлиги тиреотоксикоз касаллигини аниқлашда ёрдам беради. Бўйин веналарининг кенгайиши кўпчилик ҳолларда юрак ўнг қоринчаси етишмовчилигидан далолатдир. Ўнг қоринча етишмовчилиги беморда ҳарсиллаш ва оёқларида шиш пайдо бўлиши билан ҳам намоён бўлади. Беморнинг юрак соҳасини пайпаслаш (пальпация) юрак чўққисини аниқлаш, жигар ва қора талоқ катталашуви, қалқонсимон без ўлчамлари, шишлар хусусияти ва қорин бўшлиғига суюқлик (асцит) мавжудлигини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, томир уришларини пайпаслаш орқали улардаги сиқилиш (стеноз) даражаси ҳақида маълумот олиш мумкин: оёқ артериал қон томирлари уришининг пасайиши атеросклероз борлигидан, қўл артериясида бир ёки икки томонлама томир уришининг бўлмаслиги Такаясу касаллигидан далолат беради. Беморнинг кўкрак қафасини тукиллатиш (перкуссия) орқали юрак ўлчамлари, плевра бўшлиғига суюқлик йиғилганлиги, пневмоторакс, пневмония, яъни ўпка яллиғланиши белгиларини аниқлаш мумкин. Беморни эшитиб кўриш (аускультация) орқали юрак касалликлари ва уларнинг асоратлари ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш мумкин. Жумладан, ўпкани эшитиш беморда юрак чап қоринчаси етишмовчилиги мавжудлиги (пастки қисмида хўл хириллашлар) ва плевра бўшлиғига суюқлик йиғилганлиги (нафас бўғиқлашган ёки умуман эшитилмаслиги) тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Бундан ташқари, аускультация орқали сурункали обструктив бронхит (куруқ хириллашлар) ва ўпка эмфиземаси белгиларини ҳам аниқлаш мумкин. Бу касалликлар кўп ҳолларда кичик қон айланиш доираси, яъни ўпка қон томирлари гипертензияси билан кечиши туфайли юрак фаолиятининг сусайишига олиб келади.

Юрак фаолиятини одатда қуйидаги нуқталарда эшитиш тавсия қилинади: иккинчи қовурғалараро нуқтада, тўш суягининг ўнг томонида, чап томонда иккинчи, учинчи ва тўртинчи қовурғалараро нуқталарда ва юрак чўққиси нуқтасида. Юрак фаолиятини эшитиб кўриш беморни фақат тепага қараб ётган ҳолида амалга ошириш етарли ҳисобланмайди. Чунки аорта клапанлари фаолияти бемор ўтирган ва бироз олдинга энгашган ҳолда эшитилса, митрал тешик (чап бўлмача ва қоринчалараро тешик) стенозида юрак чўққисидаги диастолик шовқин бемор чап томонга ёнбошлаб ётганида (айниқса, жисмоний зўриқишдан сўнг 8-10 марта ўтириб-туришда) эшитилади. Тўш суягининг чап учинчи қовурғалараро нуқтада ва ўнг томонида иккинчи қовурғалараро нуқтада эшитиладиган систолик шовқин аорта тешиги торайишдан дарак беради.

Энг кенг тарқалган юрак нуқсонлари (порок)да эшитиладиган шовқинлар қуйидагилар, яъни юрак нуқсонларида аниқланадиган аускультатив белгилар:

1. Аорта қопқоқ (клапан)лари етишмовчилиги.

Тўш суягининг чап томонида учинчи қовурғалараро нуқтада (айниқса, бемор ўтирган ҳолда) диас-

толик шовқин эшитилади, I ва II юрак товушлари сусаяди.

2. Аорта тешиги торайиши (стеноз).

Тўш суягининг чап томонида учинчи қовурғалараро нуқтада ва ўнг томонида иккинчи қовурғалараро нуқтада систолик шовқин эшитилиб, уйку артерияси бўйлаб тарқалади.

3. Чап қоринча ва бўлмачалараро митрал тешик торайиши.

Юрак чўққисиди диастолик шовқин (айниқса, бемор чап ёнбошида ётганда) аниқ эшитилади ва I юрак товуши кучайган бўлади.

4. Митрал (икки табақали) қопқоқ етишмовчилигида юрак чўққисиди (айниқса, бемор чап ёнбошида ётган ҳолида) систолик шовқин эшитилади ва I юрак товуши сусайган бўлади.

5. Уч табақали қопқоқ нуқсонлари.

Уч табақали қопқоқ етишмовчилигида систолик шовқин ва тешик торайишида диастолик шовқин тўш суягининг чап томонида 4- ва 5-қовурғалараро нуқталарда эшитилади.

Рентгенологик текшириш

Кўкрак қафасини рентгенологик текшириш юракдаги анатомик ўзгаришлар, яъни юрак ва катта қон томирларининг ҳажми, ўпка қон томирларидаги физиологик ҳолат ҳақида маълумот беради. Одатда, рентгенологик текшириш 2 та проекцияда: бемор олд томонидан ва чап ёнбошидан бажарилади. Олдинги проекцияда бажарилган текшириш юрак ҳажмини аниқлашга ёрдам беради. Бунда юракнинг энг катта кўндаланг ўлчамининг ярмидан ошмаслиги зарур. Юрак ўлчамлари ва ҳажмининг катталашуви юрак бўлмачалари ва қоринчаларининг кенгайиши туфайли кузатилади. Чап қоринча гипертрофиясида юракнинг ҳажми катталашмаган бўлсада, аммо олдинги проекциядаги рентгенологик текширувда юракнинг чап чегараси "дўққайган" ва унинг узунасига катталашуви кузатилади. Юракнинг чап қоринчаси дилатацияси (кенгайиши) аорта қопқоғи нуқсонларида кузатилади. Чап бўлмача кенгайиши митрал тешик стенозида кузатилади. Агарда митрал тешик стенози митрал қопқоқ етишмовчилиги билан қўшилиб келса, чап қоринча ҳам бирмунча кенгайган бўлади. Бунинг асосий сабаблари ўпка артерияси стенози (торайиши), ўпка артерияси гипертензиясида ва айрим юрак нуқсонларида кузатилади.

Юрак перикард бўшлиғига суюқлик тўпланганида (гидроперикард, эксудатив перикардит) юрак ҳажми учбурчак шаклида кенгайганлиги кузатилади.

Турли юрак нуқсонлари ва касалликларидаги рентгенологик ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Чап қоринча чегарасининг кенгайиши:

- аорта қопқоғи етишмовчилиги;
- чап қоринча етишмовчилиги;
- аорта қопқоғининг устки ёки пастки қисмидаги торайишлар;

г) аорта қўшма пороклари.

2. Чап бўлмача кенгайиши:

- чап бўлмача ва қоринча (митрал) тешик торайиши;
- митрал тешик торайиши ва митрал қопқоқ етишмовчилиги;
- чап бўлмача миксомаси.

3. Чап қоринча ва чап бўлмача катталашуви:

- қўшилиб кетган митрал ва аорта қопқоғи нуқсонлари;
- кардиомиопатиялар.

4. Ўнг бўлмача кенгайиши:

- уч табақали қопқоқ нуқсонлари;
- ўнг қоринча етишмовчилиги;
- Эбштейн касаллиги.

5. Ўнг қоринча кенгайиши:

- ўпка артерияси стенози;
- ўнг қоринча етишмовчилиги;
- ўпка артерияси қопқоғи етишмовчилиги;
- юрак туғма нуқсонлари (қон юракнинг чап бўлмачаларидан ўнг бўлмачаларига ташланган ҳолларда).

Аммо юрак чегараларининг ўзгаришлари баъзи бошқа аъзо касалликлари (кўкрак оралиғи ўсмалари, кизилўнғач касалликлари ва ҳ.к.) билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Электрокардиография

Электрокардиограмма (ЭКГ) – юрак электрик активлигининг тана сатҳидан махсус электродлар орқали ёзиб олинган график чизмаси ҳисобланади. Электр фаолликнинг манбаи бўлиб қисқарувчан миокард ва махсус қўзғалувчан, яъни автоматизм хусусиятли синус ва атриовентрикуляр тугунлар хизмат қилади.

ЭКГ тутамлари 5 та электроддан иборат бўлиб, биттадан оёқ ва қўлларга ўрнатилади ва шу 5 электрод юрак сатҳининг 6 та нуқтасига навбатма-навбат қўйилади. ЭКГ 12 та стандарт тутамлардан иборат

бўлиб, булар: I, II, III оёқ-қўллардаги электродлар, 3 та кучайтирилган: aVR, aVL, aVF тутамлари ва 6 та кўкрак тутамларидир.

Нормал ЭКГ тишчалари қуйидагилар: биринчи Р тишчаси бўлиб, у бўлмачалар деполяризацияси туфайли пайдо бўлади. Нормада Р тишчаси aVR тутамидан ташқари барча тутамларда мусбат ҳисобланади. Қоринчалар деполяризацияси QRS комплекси мажмуаси кўринишида бўлади. ЭКГнинг Q тишчаси биринчи манфий тишча ҳисобланади ва R тишчадан олдин келади. Q тишча қоринчалараро тўсиқ деполяризацияси туфайли пайдо бўлиб, нормада кўп ҳолларда намоён бўлмайди. Баъзан Р тишча III, aVL, V1 ва V2 тутамларида манфий ёки мусбат ва манфий бўлиши мумкин. Унинг баландлиги 0,25 мм, давомийлиги 0,1 с бўлади. P-Q оралиғи (P-R) Р тишчасидан бошланиб, Q тишчасигача (Q тишчаси бўлмаса R тишчасигача) масофани ташкил қилиб, бўлмачалар деполяризацияси қўзғатувчан импульсни атриовентрикуляр тугун ва Гисс тутами орқали қоринчаларга етиб келганидан далолат беради. Нормада P-Q интервал 0,12-0,2 с ни ташкил қилади. Баъзи ҳолларда III ва aVF тутамларида чуқур Q тишча кузатилиши мумкин. Бундай ҳол юрак ўқи кўндаланг жойлашганлиги туфайли кузатилади ва бемор чуқур нафас олганда унинг чуқурлиги кескин камаяди. Нормада Q тишча чуқурлиги R тишча баландлигининг 25 фоизидан ортмаслиги ва давомийлиги 0,03 с дан ошмаслиги керак. R тишча юрак чўққиси олдинги, орқа ва ёнбош деворларининг деполяризацияси туфайли пайдо бўлади. R тишча баландлиги нормада 5-25 мм.гача бўлиши мумкин.

S тишчаси одатда QRS комплексининг манфий тишчаси ҳисобланади. Бу тишча юрак асосининг қўзғалганлиги туфайли пайдо бўлади ва у нормада 25 мм.дан ошмаслиги керак. QRS комплекси қоринчалар деполяризацияси туфайли пайдо бўлади. унинг давомийлиги нормада 0,1 с дан ошмаслиги керак.

ST оралиғи (сегмент) QRS комплекси тугагандан кейин T тишчанинг бошланиш жойигача бўлган масофани эгаллайди. Бу оралиқ нормада изоэлектрик чизикда жойлашади. T тишча қоринчалар реполяризацияси туфайли пайдо бўлади ва нормада aVR тутамидан ташқари барча тутамларда мусбат бўлади. Унинг баландлиги R тишчаси баландлигининг 1/3-2/3 қисмини ташкил қилади. Q-T оралиғи (интервал) давомийлиги юрак қисқаруви тезлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг максимал давомийлиги 0,42-0,50 сек.гача бўлиши мумкин.

T-P оралиғи T тишчаси тугаган нуқтадан R тишча бошланишигача масофани ташкил қилади. Бу оралиқ юрак диастоласига, яъни миокарднинг тинч ҳолатига тўғри келади. Нормада 12 стандарт тутамларда ёзилган ЭКГ 1-шаклда келтирилган. Нормал ҳолат PQ оралиғи 0,12-0,20 с ни ташкил қилиб, унинг 0,12 с дан кам бўлиши юрак бўлмачалари ва қоринчалари орасида қўшимча ўтказувчан йўл борлигидан дарак беради (Вольф-Паркинсон-Уайт синдроми). Агарда PQ оралиғи 0,20 с дан ортиқ бўлса, у ҳолда АВ блокадаси мавжудлиги аён бўлади.

ЭКГ таҳлили

Юрак уриши тезлигини аниқлаш

Юрак уриши тезлигини аниқлашда махсус линейка (чизгич)лар ва жадвалдан фойдаланишдан ташқари, ЭКГ туширилган тасмада 3 сек. давомида RR оралиқлари сони аниқланиб (ЭКГ 50 мм/сек. тезликда ёзилганда кичкина катак 0,04 сек.га тенг), 20 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Қоринчалар гипертрофияси

Ўнг қоринча гипертрофияси белгилари қуйидагича намоён бўлади: V1 тутамида R тишчаси катталашуви (0,5 мВ) ва V5-V6 тутамларида S тишчаси чуқурлашуви ($\geq 0,7$ мВ) кузатилади. Гипертрофия даражаси камроқ бўлганда V1 тутамида S тишчаси сақланган бўлса-да, R тишчаси унга нисбатан баланд бўлади. Баъзи ҳолларда R тишчасининг баландлиги V1 тутамида ўзгармаган бўлса-да, V5-V6 тутамларида S чуқурлашуви кузатилади. Чап қоринча гипертрофиясида стандарт тутамларда R тишчаси катталашуви (≥ 2 мВ), V1-V2 тутамларида S тишчаси чуқурлашуви ($\geq 2,5$ мВ) ва V5 ёки V6 тутамларида патологик R тишчаси ($>2,5$ мВ) кузатилади. Кўп ҳолларда чап қоринчанинг гипертрофияси V5-V6 тутамларида ST сегменти пасайиши ва T тишчаси яссиланиши билан кечади ва бу чап қоринчанинг зўриқиши белгиси ҳисобланади.

Равшан ҚУРБОНОВ,
Республика ихтисослаштирилган
кардиология маркази
директори, профессор.

(Давоми бор).

Медицинские учреждения страны

БУДНИ И ПРАЗДНИКИ ЭНДОКРИНОЛОГОВ

За год в Республиканский специализированный медицинский научно-практический медицинский центр эндокринологии обращаются около шестидесяти пяти тысяч человек, госпитализацию проходят шесть тысяч больных, нуждающихся в серьезном лечении, в том числе и в операциях на щитовидной железе, гипофизе, надпочечниках, околощитовидных и половых железах. За этими цифрами – огромный труд коллектива, для которого совершенствование методов помощи – дело чести, профессиональной гордости.

Три раза в неделю профессор, доктор медицинских наук Саид Ибрагимович Исмаилов встает к операционному столу, выполняет по пять-шесть операций. Естественно, очень сложных, ибо его статус – врача высокой квалификации и к тому же директора данного медицинского учреждения предполагает высочайший уровень отдачи знаний, опыта, практических навыков, соответствия современным требованиям.

Вчерашний день тоже был таким. И хотя прошли сутки, Исмаилов сегодня занимается уже другими делами, впечатления все же остались с ним. В том числе ещё и как крупица нового опыта.

У одного пациента был многоузловой зоб, у другого – смешанный, случаи очень тяжёлые. Но (смеется) все-таки «вытащил», оба больных идут на поправку.

Конечно, любое вмешательство в организм, а тем более оперативное, – риск. Подобные случаи требуют большой сосредоточенности, как бы отключения от других проблем, которые всегда присутствуют в деятельности руководителя. В другое же время от них никуда не деться. Большие и маленькие – они ждут своего решения и должны его получать. Но и новые задачи появляются – ведь процесс совершенствования не остановим...

В разные годы это лечебное учреждение называлось по-разному, согласно недавнему распоряжению оно стало Республиканским центром. Естественно, что смена вывески – это не формальный акт. Предполагаются внутренние изменения, какие? – спрашивает я у Саида Ибрагимовича.

– Я бы определил это как повышение статуса, который включает в себя огромную ответственность. То есть нам даются дополнительные права и возможности, но и спрос возрастает за то, как мы этим воспользуемся.

Вот хотя бы такой пример. Под нашим контролем теперь находится сорок сельских врачебных пунктов, где ведут приём эндокринологи.

Согласно графика наши врачи выезжают для оказания помощи своим коллегам. Что сюда входит? Проверки состояния помещения – соответствует ли оно нормам оборудования, наличия реактивов, того, как ведется документация. При этом доктора сотрудничают с местной администрацией, требуя внимания к решению наболевших вопросов. Так, например, в сельском врачебном пункте «Тепакургон» Папского района Наманганской области мы

настояли, чтобы был сделан ремонт, подведена вода. Но самое главное, конечно, то, что наши врачи ведут совместный прием больных, обучая их новым приемам диагностики. Для них это очень полезная практика. Добавлю к вышесказанному, что в прошлом году мы в каждой области провели двухдневные семинары, читали лекции на самые актуальные темы, потом проводили практические занятия. А начинали мы с тестирования. Прибывшие коллеги заполняли специальные анкеты, по ответам на её вопросы мы могли судить об их уровне знаний. После теоретических и практических занятий они отвечали на вопросы анкеты, и мы могли оценить качество усвоенного ими материала, который поможет им правильно ставить диагноз и точно вести процесс лечения больного. Конечно, такая работа будет продолжена и в этом году, да ещё с большей интенсивностью.

– К вам в Центр направля-

ются пациенты со всей республики. Среди них немало тех, кому нужна очень серьезная помощь, связанная не только с восстановлением здоровья, но и спасением жизни. Медицинская наука не стоит на месте, ученые-практики предлагают новые технологии, совершенствуют оборудование. В эндокринологии, естественно, тоже есть серьезные подвижки. Да такие, что граничат буквально с чудом, поднимая на ноги тех, кто ранее был обречен. Как решается задача соответствия вашего Центра современным требованиям?



– На этот вопрос – как это не покажется несколько странным – я хочу ответить так: для начала мы занимались и занимаемся ремонтом. Кто был год-два назад в наших корпусах и пройдет сейчас, заметит немало изменений. Все, что делается в этом плане, мы хотим довести до европейских стандартов. Палаты – для одного-двух пациентов со всеми удоб-

ствами. Для врачей – прекрасные кабинеты с необходимым оборудованием для эффективного ведения приемов. Огромное внимание уделили оснащению операционного блока. Кстати, где-то через месяц новый блок войдет в эксплуатацию. Сейчас мы получаем для него оборудование – также новейшее.

Вот вы упомянули слово «чудо» по отношению к медицинскому лечению. А ведь по-другому и назвать нельзя применение нового нейроэндоскопа, который позволяет, не вскрывая черепной коробки, оперировать опухоль на гипофизе – органе, который руко-



дочный стал передвигаться самостоятельно.

Вот потому мы стремимся всеми силами заполучить новое оборудование, освоить его. Для этого есть немало направлений. Мы горды тем, что получили гранд Международного фонда диабета, который выделил для Ассоциации эндокринологов Узбекистана установку УЗИ с доплером, аппарат для снятия электрокардиограммы. Все самое новейшее.

Еще у нас вскоре откроется отделение диабетической нефропатии и гемодиализа. Медикам не надо объяснять, как важно продлить жизнь больному, провести «очистку» его крови от шлаков. Но дело в том, что для больных диабетом эта процедура имеет свои особенности. Опять-таки наша специфика позволяет наиболее грамотно, с большим эффектом ее проводить. Кстати, к нам направляются пациенты из других лечебных учреждений, когда возникают определенные сложности. Тщательное изучение состояния больного, я бы сказал, скрупулезный подход к проведению этой лечебной акции, дает отличные результаты. И мы этим тоже гордимся.

Вся эта работа продолжается. Очень хотелось бы построить здание новой поликлиники, также получить для неё новое оборудование. Думаю, это дело недалекого будущего. Именно для этого работает наша команда. Собираясь, мы обсуждаем, что нужно сделать в первую очередь, как и принимаем коллегиальные решения. А когда каждый чувствует свою ответственность за выполнение своих предложений, одобренных другими специалистами, дело не стоит на месте.

